

<i>Ташкилот номи:</i>	Адлия вазирлиги юридик техникумлари
<i>Таркибий бўлинма номи:</i>	Мониторинг ва ташкилий-назорат бўлими
<i>Танлов босқичи:</i>	Суҳбат
<i>Савол йўналиши:</i>	Амалиётда кўп учрайдиган муаммоли ҳолатлар (50 та казус)

1. Тошкент шаҳар ҳокимиятига Вазирлар Маҳкамаси томонидан юборилган топшириқ келиб тушди. Девонхона қабул қилиб олган кунининг ўзидаёқ рўйхатга олинди ҳамда раҳбар томонидан ўн беш кунлик муддат билан ижрога қаратилди. Келиб тушган ҳужжатга масъул қилиб белгиланган ижрочи томонидан 15 куни топшириқда белгиланган вазифалар ижросини таъминланди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда хукукий баҳо беринг.

2. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига мазмунан тегишли бўлмаган хат келиб тушди. Девонхона ходими адашиб юборилган хатдан дарҳол нусха олди ҳамда далолатнома расмийлаштирган ҳолда асл нусхаси белгиланган жойга юборди.

3. Низомий номидаги Тошкент шаҳар юридик техникумини 2008 йилда битирган фуқаро Ж.Юсупов диплом иловасини йўқотиб қўйганлиги сабабли тиклаб берилишида амалий ёрдам сўраб юридик техникумини раҳбариятига мурожаат қилган. Фуқаро Ж.Юсупов мурожаат қилганига ўн беш кундан ошганлигини айтиб, диплом илова дубликатини дарҳол тиклаб беришини талаб қилди. Мурожаат ўн беш кунлик муддатда қилинмаганлигига сабаб сифатида университет масъул ходими димлом иловасини дубликатини чиқариш учун фойдаланиладиган маҳсус бланка Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигидан олиб келиниши муносабати билан изоҳлаган.

Фуқаро Ж.Юсуповнинг талаби тўғрими?

4. Фуқаро А.Сафаров ташкилоти расмий электрон почтасига бузилган хуқукларини тиклашни сўраб мурожаат йўллаган. Ташкилот девонхона ходими ариза юборилган кундан бир неча кун олдин имзолангандиги сабабли, аризани қабул қилмади.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда хукукий баҳо беринг.

5. Фуқаро Ж.Муслимов ташкилотга қонун лойиҳаси юзасидан таклиф билан мурожаат қилди. Мурожаатни мазмунан кўриб чиқиши лозим бўлган ташкилот томонидан Фуқаро Ж.Муслимовга ўн кунлик муддатда жавоб хати қайтарилди. Аммо фуқаро Ж.Муслимов юборилган жавоб хатига тушунтириш сўраган. Масъул ташкилот томонидан фуқарога батафсил тушунтиришлар билан жавоб хати юборилганлиги кўрсатиб, тушунтириш берилмаслигини айтиб ўтган.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда хуқуқий баҳо беринг.

6. Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимиятининг расмий электрон почта манзилига “Ҳақиқатлар садоси” электрон почта манзилидан моддий ёрдам сўралган мурожаат келиб тушган. Мазкур мурожаатга масъул ижрочи тайинланган. Ўн беш кунлик муддат ичидаги мурожаат кўриб чиқилиб, моддий ёрдам бериш учун етарли тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги мазмунидаги жавоб хати почта манзилига юборилган. Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан Бектемир тумани ҳокимияти мурожаатлар билан ишлаш ҳолати таҳлил қилинганда юқоридаги жавоб хати юзасидан тегишли маъсул ижрочига огохлантириш интизомий жазоси қўлланилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда хуқуқий баҳо беринг.

7. Тошкент шаҳар юридик техникуми девонхонасида почта хизмати орқали университет харид комиссияси томонидан эълон қилинган танлов ва тендерлар бўйича иштирокчиларнинг йўлланма хати ва конверт келиб тушди. Девонхона иш юритувчиси йўлланма хатни av.ijro.uz электрон ҳужжат алмашинув тизими орқали рўйхатга олди ва муҳрланган конвертни очди. Харид комиссияси маъсул ходими конверт очилганлиги билиб, уни тендерга қўйиш мумкин эмаслигини таъкидламоқда.

Бундай вазиятда нима қилиш керак?

8. Техникум девонхонасида давлат фельдъегерлик хизмати орқали хорижий мамлакатдаги хамкорлардан хат келиб тушди. Девонхона ходими иш куни якунланаётганлиги сабабли хатни рўйхатдан ўтказмади. Аслида келиб тушган ҳужжатларни қандай муддатларда кирим хати сифатида рўйхатга олиши лозим эди?

9. Чиқиши хатларини рўйхатга олишда девонхона ходими томонидан маҳсус бланка орқали расмийлаштирилган хатга кафедра профессори томонидан имзо чекилганлиги аниқланди ва ушбу ҳужжатни рўйхатдан ўтказмаслигини маълум қилди. Девонхона ходимининг хатти-харакатлари тўғрими?

10. Чиқиши хатларини рўйхатга олишда девонхона ходими томонидан Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозими номи олдига қия чизиқ билан имзоланганини кўрди ва рўйхатдан ўтказмаслигини маълум қилди. Девонхона ходимининг хатти-харакатлари тўғрими?

11. Девонхонага “Алоқа банк” дан почта хизмати орқали хат келиб тушди. Девонхона ходими конвертни очиб қараганда ушбу конвертда хатда йўқсатилган иловалар йўқлиги маълум бўлди. Ходим мазкур хатни иловалари йўқлигига қарамай рўйхатдан ўтказди. Ходимнинг хатти-харакатларига баҳо беринг.

12. Ташкилотга “Барака-бизнес” МЧЖ хат билан мурожаат қилмоқда, хатда ташкилотнинг жойлашган манзили, юридик шахс номи йўқсатилган ва

муҳр билан тасдиқланган. Лекин хатда ташкилот раҳбарининг имзоси йўқлиги аниқланди. Шу сабабли девонхона ходими ушбу мурожаатни қабул қилмаслигини билдириди. Ушбу вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

13. Ташкилотга хориж фуқароси давлат тилида бўлмаган ариза билан мурожаат қилмоқда. Девонхона ходими ушбу аризани давлат тилида бўлмаганлиги сабабли, олишни рад қилмоқда. Ходимнинг ҳаракатларига баҳо беринг?

14. Техникум девонхонасиға фуқаро жияни номидан ариза ёзмоқчи эканлигини айтди. Девонхона ходими фуқарога агар жисмоний шахснинг вакили бўлса, унда ваколатини тасдиқловчи ҳужжатини тақдим қилишини сўради. Лекин фуқаро жияни билан фамилияси бир хил эканлигини, унда жиянининг паспорт нусхаси борлигини айтиб мурожаатни қабул қилишини талаб қилди. Ушбу вазиятда фуқаронинг талаби тўғрими?

15. Ташкилотнинг ишонч телефонига ўзини таништиришни истамаган фуқоро телефон қилиб, ўз мурожаати борлигини айтди. Ташкилот ходими агар фуқаро ўзини таништирмаса унинг мурожаати кўриб чиқилмаслигини айтди. Ушбу вазиятда ходимнинг талаби ўринлими?

16. Ташкилотга юридик шахснинг вакили келиб, ташкилот раҳбари билан учрашмоқчи эканлигини маълум қилди. Девонхона ходими ушбу юридик шахс вакилига ташкилот раҳбари жисмоний ва юридик шахсларнинг ваклларини маҳсус белгиланган кунларда қабул қилишини тушунтириди. Ушбу вазиятга баҳо беринг.

17. Ташкилот раҳбаринг жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсий қабулида жисмоний шахс кирмоқчи эканлигини маълум қилди. Ташкилот ходими ушбу фуқародан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини талаб қилганда, ушбу фуқарода ҳеч қандай ўзини тасдиқловчи ҳужжатлар йўқлиги аниқланди. Шу сабабли ташкилот ходими фуқарони қабулга кира олмаслигини маълум қилди. Ходимнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

18. Девонхонага таркибий бўлинма томонидан ҳужжат рўйхатдан ўтказиш учун олиб келинди. Ушбу ҳужжатнинг матнида илова кўрсатилмаган эди. Лекин ҳужжатда иловалар санаб ўтилган. Ушбу ҳужжат тўғри тузилганми?

19. Техникумга давлат фельдъегерлик хизмати орқали юқори турувчи давлат ташкилоти томонидан ХДФУ грифли ҳужжат келиб тушган бўлиб, девонхона томонидан рўйхатга олинди ва девонхона мудири томонидан турли ижрочиларга нусха кўчириш йўли билан тарқатилди. Ушбу ҳаракатлар Девонхона мудири томонидан тўғри бажарилганми?

20. Университетга келиб тушган ХДФУ грифли ҳужжатни тегишлича электрон дастур орқали рўйхатга олиниб, ижрога қаратилгандан сўнг Девонхона мудири томонидан йўқ қилинди. Ушбу ҳаракатлар Девонхона мудири томонидан тўғри бажарилганми?

21. Университет девонхонасиға почта хизмати орқали ТДЮУнинг Ихтисослаштирилган филиалига йўлланган ҳужжат келиб тушди. Ходимни

эътибorsизлиги оқибатида конверт очилиб хат мавжуд эмаслиги аниқланди. Ушбу ҳолатда қандай харакатлар амалга оширилиши лозим?

22. Тошкент шаҳар “Ипотека банк” АТИБ Юнусобод филиалига ипотека кредит ажратиши сўраб фуқаро С.Наримонов мурожаат қилган. Фуқаро С.Наримонов мурожаат қилганига бир ойдан ошган бўлса-да жавоб хати олмаганлигидан норози бўлиб банк раҳбарига шикоят билан кирди. Банк раҳбари Х.Абдуллаев мурожаатлар билан ишлашга масъул ходимни чақириб тушунтириш сўради. Мурожаатга масъул ходим фуқаро С.Наримонов олдин ҳам бир маротаба ипотека кредити ажратишини сўраб мурожаат қилганлиги, кредит ажратиш учун қонунчиликда кўрсатилган талабларга фуқаро вақтинча ишсиз бўлганлиги сабабли кредит ажратиш мумкинмаслиги тўғрисида жавоб хати юборилганлигини маълум қилди. Шундан келиб чиқиб, фуқаро С.Наримоновнинг мурожаати такрорий мурожаатлар сирасига кирганлиги сабабли мурожаатлар билан ишловчи бўлинма раҳбари ҳамда таркибий бўлинма раҳбари билан биргаликда тегишли хулоса тузилиб мурожаат кўрмасдан қолдирилганлигини айтиб ўтди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда хукуқий баҳо беринг.

23. Фуқаро Б.Қосимов томонидан Тошкент тибиёт педиатрия институтида ишловчи ходим устидан коррупцион ҳатти-харакатни содир этганлик тўғрисидаги шикоят хати ҳолатни тасдиқловчи далилларни илова қилган ҳолда институт девонхонасига келиб тушди. Мазкур шикоят бўйича қарор қабул қилинмасдан туриб, мурожаат муаллифи ўз шикоятини қайтариб олиши тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Институт масъул ходимлари шикоятини қайтариб олиши тўғрисида аризани қабул қилишдан бош тортишди. Фуқаро Б.Қосимов Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунга кўра ўз шикоятини у қўриб чиқилгунинга қадар ва кўриб чиқилаётган пайтда шикоят бўйича қарор қабул қилингунинга қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш хукуки борлиги, институт раҳбари ишни ушбу аризасига мувофиқ шикояти ҳамда унинг иловаларини асл нусхаларини З кунлик муддатда қайтарилиши шарт эканлигини важ қилиб кўрсатди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда хукуқий баҳо беринг.

24. 2010/2011 ўқув йилида Х.Рустамов Тошкент шаҳар юридик техникумига ўқишига кириш мақсадида ҳужжат топширган ва кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшира олмаган. 2018 йили ҳужжатларини олиш учун университет архивига мурожаат қилган. Аммо идоравий архивда сақланаётган ҳужжатларда Х.Рустамовга тегишли шаҳодатномаси топилмаган. Архив ҳодимлари ҳужжатларини йўқлигини маълум қилиб, қайта тиклаш учун фуқаро ўқиган мактабига мурожаат қилиши лозимлиги тушунтирилган.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланған ҳолда хуқуқий баҳо беринг.

25. Фуқаро Х.Таджиев Тошкент шахар юридик техникумiga ҳужжат топширган, лекин үқишигa киролмаган. Х.Таджиевга тегишли бўлган ҳужжатларни қариндоши И.Тоиров олиб кетмоқчи бўлган.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланған ҳолда хуқуқий баҳо беринг.

26. 2019 йил фуқаро Ж.Убайдуллаев архивга ёзма мурожаат қилган ва ўз мурожаатида 2012 йилда химоя қилинган магистрлик диссертациялардан фойдаланишни сўраган. Аммо архив ҳодимлари Ж. Убайдуллаев мурожаатини рад этишган.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланған ҳолда хуқуқий баҳо беринг.

27. Фуқаро Т.Усанов 2008-2012 йиллари Тошкент шахар юридик техникуми ўқувчиси бўлган. Архивга 2020 йил Т.Усанов мурожаат қилиб, ўз мурожаатида ўқувчилик давридаги дарсга қатнашганлиги ҳақидаги давомат журналидан нусха сўраган.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланған ҳолда хуқуқий баҳо беринг.

28. Тошкент шахар юридик техникумiga Қорақалпоғистон Республикаси фуқароси Ж.Халмуратова томонидан мурожаат келиб тушган. Унга кўра 2012 йили үқишигa топширган ва имтиҳондан ўта олмаганлиги ва ҳозирги кунда ёш болали бўлганлиги сабабли топширган ҳужжатларни келиб олишга имкони йўқлиги айтиб, ҳужжатларни почта орқали жўнатишларини сўраган.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланған ҳолда хуқуқий баҳо беринг.

29. Фуқаро Б.Файзиев 1995 йил Тошкент шахар юридик техникумини битирган. 2021 йил Б.Файзиев диплом иловаси дубликат олиш мақсадида мурожаат қилган.

Фуқаро С.Қамаров 2019 йил Тошкент шахар юридик техникумини битирган. 2021 йил С.Қамаров диплом иловаси дубликат олиш мақсадида мурожаат қилган.

Архив ҳодимлари мурожаатларни кўриб чиқиб, Б.Файзиевга рад этиб, С.Қамаров мурожаатини қаноатлантирган.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланған ҳолда хуқуқий баҳо беринг.

30. Архив бўлими таркибий бўлинма ва кафедралардан ҳужжатларни идоравий архивга топширишда сақлаш муддати кўрсатилган ҳужжатлар йиғмажилди бўйича доимий ва узоқ вақт сақланадиган ҳужжатларни топшириши талаб қилди лекин таркибий бўлинмалардан бири сақлаш муддати кўрсатилган ҳужжатлар йиғмажилди бўйича ҳужжатларни архивга топшириш

муддати келмаганлигини ва зарурияти йўқлигини айтиб архив бўлимини талабини рад этди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда хукуқий баҳо беринг.

31. Идоравий архивда доимий ва узоқ вақт сақланадиган ҳужжатларни муҳофазасини таъминлаш мақсадида йиғмажилларни тўлиқ расмийлаштиришлари лозимлиги сабабли, айrim таркибий бўлинмалар ҳужжатларни 250 варақ, баъзиларини 350-400 варақда муқовалаган ҳолда топширмоқчи бўлишган. Аммо архив бўлими бундай ҳужжатларни расмийлаштирмасдан ҳужжатларни тайёрлашда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиб келишларини талаб қилган.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда хукуқий баҳо беринг.

32. Архив бўлими таркибий бўлинма ва кафедралардан ҳужжатларни идоравий архивга топширишда сақлаш муддати кўрсатилган ҳужжатлар йиғмажилди бўйича доимий ва узоқ вақт сақланадиган ҳужжатларни қоғоз ва электрон нусхада топшириши талаб қилди лекин таркибий бўлинмалардан бири сақлаш муддати кўрсатилган ҳужжатлар йиғмажилди бўйича ҳужжатларни электрон шаклда топширганларини инобатга олиб қоғоз шаклда топширишдан бош тортди.

Архив бўлими ҳодимларининг талаблари тўғрими?

33. Техникум бир таркибий бўлинмасига келиб тушган ҳужжат бошқа бир таркибий бўлинмага тааллуқли эканлиги маълум бўлди. Хатни қабул қилиб олган биринчи таркибий бўлинма раҳбари Девонхонага мурожаат қилиб, хатни бошқа бўлимга ўтказишни сўради. Девонхона ҳодими биринчи таркибий бўлинма бошлиғи илтимосига кўра хатни бошқа таркибий бўлинмага ўтказди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда хукуқий баҳо беринг.

34. Хат ижроси учун белгиланган устхатда 4 та таркибий бўлинма ижрочи бўлиб, асосий ижрочи алоҳида белги билан белгиланган эди. Ушбу хат ижроси ўз вақтида бажарилмади. Хат учун маъсул ижроидан бунинг сабаби сўралганда қўшимча ижроилар маълумотларни асосий ижроига умумлаштириш учун ўз вақтида бермаганлиги маълум бўлди.

Мазкур вазиятда қўшимча ижроиларга жавобгарлик жорасини қўллаш мумкинми?

35. Техникумга фуқаро А.Ниёзов томонидан бир таркибий бўлинма ҳодиминининг хатти-харакатлари устидан шикоят келиб тушди. Мазкур мурожаат кўриб чиқиши учун ушбу ходим ишлайдиган таркибий бўлинмага ижро учун юборилди. Фуқаро А.Ниёзов қонун ҳужжатларига мувофиқ мурожаат муаллифи жараён билан танишиб чиқиши хукуқи борлигини билдириб мурожаат қилди. Таркибий бўлинма раҳбари томонидан рад жавоби берилиб,

жавоб хатида батафсил маълумот беришини, агар тушунтириш лозим бўлса кейин мурожаат қилиши мумкинлиги маълум қилди.

Вазиятга ҳукукий баҳо беринг.

36. Тухникум директорининг қабулига юридик шахснинг вакили белгиланган қунда мурожаат билан келди. Ушбу мурожаатчини раҳбар ўзининг хизмат хонасида қабул қилди. Юридик шахс вакили қабул жараёнида мулоқотни видеоёзувга қайд қилиб боришини маълум қилди. Университет раҳбари бунга рад жавобини берди.

Вазиятга ҳукукий баҳо беринг.

37. Фуқаро О.Тошматов ташкилотга таклиф билан мурожаат қилди. Ушбу мурожаатга белгиланган бир ойлик муддат ўтганлиги аниқланди. Мурожаат учун маъсул бўлган таркибий бўлинмадан ушбу таклифга нега вақтида жавоб қайтарилимаганлиги сўралганда, фуқаро О.Тошматовнинг ушбу таклиф қўшимча ўрганиш талаб этилаётганлиги, мазкур таклифдан янги қонун лойиҳасида фойдаланиш мумкинлигини, ушбу таклифни кўриб чиқиш муддати узоқ вақтга мўлжалланганлигини маълум қилиб назоратдан ечишни сўради ҳамда фуқаро О.Тошматовга бу ҳақда жавоб хати билан маълум қилишини билдириди.

Вазиятга ҳукукий баҳо беринг.

38. Давлат агентлиги вазирлик сифатида қайта ташкил этилганлиги сабабли Архив мудири томонидан барча йифмадиллар юқори турувчи архивга топшири юзасидан мурожаат қилди. Бироқ, юқори турувчи архив ташкилоти мазкур ҳужжатларни қабул қилишни рад этди.

Вазиятга ҳукукий баҳо беринг.

39. “Узтрансгаз” ташкилоти идоравий архиви томонидан ҳужжатларни инвентаризация ўтказиш жараёнида 15 йилдан ортиқ бўлмаган ҳужжатларни саралаб, ҳисобини юритиш зарурияти мавжуд бўлмаганлиги сабабли тегишли далолатнома билан қофозларни қабул қилувчи фирмага топшириди.

Вазиятга ҳукукий баҳо беринг.

40. Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси янги бинога кўчиш муносабати билан вақтинча архив сақлов хонаси ходимлар бўлимига кўчирилди. Вилоят архив идораси келиб мазкур жараёнга эътиroz билдириди. Халқ таълими бошқармаси архив мудири мазкур ҳолат вақтинча бўлганлиги сабабли рўй берганлигини, 3 йилдан сўнг янги бинога кўчиш режалаштирилганлиги айтиб ўтди.

Вазиятга ҳукукий баҳо беринг.

41. Бўш иш ўринлари учун эълон қилинган танловда иштирок этганлар орасидан бир номзоднинг ҳужжатлари қабул қилинмаслиги маълум қилинди. Номзод томонидан мазкур ҳолат юзасидан асос сўралганда унинг сўровига тегишли ҳужжатлар кўрсатилмади. Фуқаро ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида судга мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

42. Муассасага тегишли бўлган техникага ходим томонидан заарар етказилди. Уларнинг ушбу ҳаракати маъмурий ҳукубузарлик сифатида баҳоланиб, тегишли маъмурий жазо белгиланди. Бироқ ходимлар ўзларининг жанжали натижасида етказилган заарни қоплаб беришдан бош тортди. Муассаса раҳбарияти ушбу ҳолат юзасидан маъмурий судга мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатлариға асосланган ҳолда баҳо беринг.

43. Ходим М.Асланов ишга қабул қилинаётганда унинг вазифалари Кадрлар бўлими ва бўлим бошлиғи томонидан тўлиқ тушунтирилди. Ходимнинг шартномасида меҳнат фаолиятидан ташқари университет фаолиятига тегишли ишлар ҳам шарт қилиб қўйилган эди. Бироқ ходим ҳар гал ўзига белгиланган вазифаларни талаб этилган даражада бажарсада, университет фаолиятига тегишли ишларни бажармай келаверди. Ходим бунинг учун огоҳлантирилганига қарамасдан, вазият давом этаверди. У ўз йўналишидаги вазифаларни аъло даражада бажараётганини, қолган шартларни иш берувчининг талаб этишга ҳуқуқи йўқлигини иддао қиласади.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатлариға асосланган ҳолда баҳо беринг.

44. Фуқаро А.Азизов марказга дастлабки синов шарти билан қабул қилинди, бироқ, орадан 6 ойга яқин муддат ўтган бўлса ҳам у билан ишга қабул қилиш бўйича меҳнат шартномаси тузилмади. Ташкилот бунга ҳақилими?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатлариға асосланган ҳолда баҳо беринг.

45. Ходим М.Саъдуллаев Медиа марказга 2 ойлик дастлабки синов шарти билан қабул қилинган эди. Бироқ, ходим ўзига топширилган вазифаларни тўлиқ бажара олмади. Муассаса ходимни синов даври ниҳоясига етмасдан синов натижасини “қониқарсиз” дея меҳнат шартномасини бекор қиласади. Ташкилот меҳнат шартномасини синов даври ниҳоясига етмасдан туриб бекор қилиши мумкинми?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатлариға асосланган ҳолда баҳо беринг.

46. Фуқаро К.Баҳриев Медиа марказга тасвирчи сифатида ишга қабул қилинган. Бироқ орадан маълум бир муддат ўтгандан сўнг марказдаги штатлар жадвалида ўзгариш бўлгани туфайли К.Баҳриевга видеомонтаж ишлари ҳам юклатила бошлади. Сабаби у видеомонтаж технологияларини ҳам яхши билар эди. Лекин мазкур ишлар унинг шартномасидаги меҳнат шартлариға киритилмаган эди. У бу ҳолатнинг сабабини сўраганида унинг шартномасидаги меҳнат шартлариға ўзгариш киритилгани маълум қилинди. Ташкилот бу ўринда тўғрииш қилганми? Ходимнинг розилигисиз меҳнат шартлари ўзгартириш мумкинми?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатлариға асосланган ҳолда баҳо беринг.

47. Фуқаро А.Султонов Медиа марказга тасвирчи сифатида ишга қабул қилинган. Бироқ орадан маълум бир муддат ўтгандан сўнг марказдаги штатлар жадвалида ўзгариш бўлгани туфайли унинг меҳнат шартномасидаги меҳнат шартлариға ўзгартириш киритилиб, А.Султоновга видеомонтаж ишлари ҳам юклатила бошлади. Ходим эса мазкур меҳнат шартлари асосида ишлашни рад

этди. Университет эса бундай тақдирда у билан меңнат шартномаси бекор қилинишини маълум қилди. Ушбу ҳолатда А.Султонов қандай йўл тутиши керак?

Вазиятга амалдаги қонун хужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

48. М.Азимов Медиа марказга видеотасвирчи лавозимиға ишга қабул қилинди. Бироқ орадан 2 ой ўтгандан сўнг у билан меңнат шартномаси бекор қилинди. М.Азимов бунинг сабабини сўраганда унинг дастлабки синов натижаси қониқарсиз бўлгани маълум қилинди. Лекин унинг меңнат шартномасида дастлабки синов ўташ ҳақида ҳеч қандай банд киритилмаган эди.

Иш берувчининг харакатларига амалдаги қонун хужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

49. А.Бекмуродов Медиа марказга сценарист сифатида ишга қабул қилинган. У видеотасвир бўйича ҳам билим ва кўнникмага эга эди. Шу сабабдан унинг розилигиз А.Бекмуродовни видеомонтажчи лавозимиға ўтказишиди. У эса бу ишни рад этди. Ташкилот бунга ҳақлими?

Вазиятга амалдаги қонун хужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

50. Ходим Д.Давронов ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб, меңнат шартномасини бекор қилиш учун иш берувчига мурожаат қилди. Бироқ иш берувчи айни пайтда муассасада фестивал ўтказилаётгани боис ушбу ишларга кўмаклашиб туришини ва унинг ўрнига ходим топилиши билан меңнат шартномаси бекор қилинишини айтди ҳамда бу муддат 10 кундан ошиши мумкинлигини огохлантириди. Лекин, Д.Давронов у билан шартномани ўша пайтнинг ўзида бекор қилинишини талаб қилди.

Вазиятга амалдаги қонун хужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.